

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**«ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИ ТАРИХИ:
МУАММО ВА ИЗЛАНИШЛАР»
МАВЗУСИДАГИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ МИҚЁСИДАГИ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**



БОБОЁРОВ Ф. Турк хоқонлигининг ташкил топиши арафасида Марказий Осиёни этносиёсий ҳолат	69
ШАРИПОВА Ш. Илк ўрга асрларда Фарғона маддий маданиятининг ўзига хос жиҳатлари	73
МУМИНОВА Д. Чочнинг ilk ўрта асрлар ўзбек давлатчилиги тарихида туттиш ўрни	75
БУЛАТОВ С. С., МАНСУРОВ Ў. Н., ШАБАРАТОВ П.П. Темурийлар даври меморий ёдгорликлардаги битикларнинг фалсафий талкини	76
ЮЛДАШЕВ Б. Э. Бошқарувда соҳибқирон яратган пойdevор	78
ШОЁҚУБОВ Ш. Илк ўрта ўрта асрлар сүғд маҳкамачилик тизимида Пинч мулкининг тутган ўрни	82
ЗОКИРОВ Ш.Ш. Сүғд мактубот жанри ёзма ёдгорликларининг Марказий Осиё халклари тарихи учун манбавий аҳамияти	85
ЭРНАЗАРОВ Ш. Э. Алишер Навоий асрларида давлат бошқаруви гоялари	87
ШАРИФХОДЖАЕВА М. О. Темурийлар даврида маданият, адабиёт ва сантии	89
ХИДИРОВ Х. Давлатчилик тарихимиз ривожида термиз дарё доирининг аҳамияти	92
ЮНУСОВА Х. Э. Мустақиллик арафасида Ўзбекистоннинг ижтимоий иқтисодий янгиланиши тарихи ҳақида баъзи мулоҳазалар	95
ИШАНХОДЖАЕВА З. Р. Псевдонациональная государственность и вопросы народного образования	99
ҚОСИМОВ Э., ШОДИЕВ С. Ўзбекистонда советлар юригган тоталитар тузум сиёсати оқибатлари	101
МУЛЛАДЖАНОВА Р.А., ЙЎЛДАШЕВ Э. Кўкон хонлиги давлатчилиги тарихида сугориш тизими	103
ЕРМЕТОВ А. А. Туркистанда совет давлат бошқарувининг хусусиятлари (1917-1925 йиллар)	105
САИДОВ Ш. Хива хонлигининг ағдарилиши: уйдирма ва ҳакиқат	109
ХАЙДАРОВ М. М. Жадидларнинг миллий давлатчиликни тиклаш ҳақидаги гоялари ва амалий фаолияти	112
БУРИЕВА Х. А. К истории административных органов города Ташкента	117
ОЧИЛДИЕВ Ф. Б. XIX-XX аср бошларида шарқий бухоро бекликларидағи маъмурий бошқарув тизим	120
ЭШЧАНОВ А., ЭШМУРАТОВ Ж., ПАЛВАНОВ А. Некоторые аспекты процесса развития государственности Узбекистана	123
ПУСТОВАЯ Е. С. Денежные системы среднеазиатских государств в середине XIX века	127
МАРАДЖАНОВА Ф. Э. Узбекская государственность в годы правления Абдулла-хана II Шейбанида	129
САИДОВА Г. Ш. Ўзбекистон ҳукуматининг иккинчи жаҳон уруш ногиронларига инсонпарварлик ёрдамининг ташкил этилиши	132

ИСКАНДАРОВ Ш. Ўзбекистондаги арабларининг хўжалик хаётига янги технология ва инновацияларни таъсир	133
ХОЛМЕТОВА Р. Б. XVI асрда хива хонлиги сиёсий-тарихий географияси	135
ГУЛБОЕВ Н. XVIII аср охири – XX аср бошларида хива хонлигидаги ҳарбий иш тарихидан	137
БОБОЖОНОВ И. Тошкентни чор россияси томонидан босиб олинининг тарихий манбаларда акс еттирилиши	141
МҮМИНОВ А. З. Ахмад Донишнинг элчилик фаолияти	144
АКБАЕВА З. XX аср бошларида Туркистанда давлат бошқаруви ва унда ўлка мусулмонлар бюроси фаолияти (1917-1918 йй.)	147
МИРЗАХАМДАМОВА Д. XX аср 50-60 йилларида Ўзбекистонда саноат тармоғи шаклланиши ҳакида баъзи мулоҳазалар	150
АХМЕДОВ Ж. З. XX асрда Фарғона водийси тарихий-маданий обидаларига муносабат	153
ТАНГРИБЕРГАНОВ Т. Ўзбекистонда совет давлатининг миллый маданиятга муносабати ҳакида баъзи мулоҳазалар	155
САЙДОВА М. XX аср 80 – йиллари Ўзбекистонда “пахта иши” катағонлари ва унинг оқибатлари	157
УСМОНОВА М. Мустабид тузум даврида Туркистон мактаблари ҳаёти	160
ХОРОДУРОВА В. А. Отрывки из истории Туркестанского легиона	161
ЗАХИДОВА С. А. Бухоронинг вассаллик даври ижтимоий-иктисодий тараккиётидаги бальзи жонданиш майллари масаласига доир	163
ҚУВВАТОВ Н. Б. Ўтиш даврида Ўзбекистон сиёсий ҳаётидаги туб ислохотлар: «инсон-жамият-давлат» муносабатларининг қарор топиши	166
ТЎРАЕВ С. Р. Мустакиллик йилларида миллый давлатчилигимиз қурилишини ўрганиш	170
ХОЛИКОВ Э., СОБИРОВА М. Мамлакатимизнинг миллый кадрлар тайёрлашдаги сиёсатининг ҳалқаро эътирофи	172
МУЛЛАДЖАНОВА Р. А. Ўзбекистоннинг давлат бошқаруви тизимини ўрта маҳсус таълим тизимида ўқитиш	174
РАСУЛОВА Н. XX асрнинг 80—90-йилларида Ўзбекистонда фаолият юритган жамоат бирлашмалари ва партиялар	178
ТАДЖИБАЕВА А., ТУХТАЕВА Ю. Роль судебной власти в Узбекистане ..	181
ИСМАТУЛЛАЕВ Ф. О. Ўзбекистон республикаси ташки сиёсатида Европа Иттифоқининг ўрлии	184
СИДДИКОВ Р. Б. Давлатчиликни мустаҳкамлашда кадрлар тайёрлаш тизимиning аҳамияти	187
КОЛҶАНОВ Н.Т. Ёшларнинг эртаниги кунга ишончи бизнинг энг катта ютуғимиздир	190
ХЎЖАМОВ М., САЙДАМОВ Б. Мустакил Ўзбекистон меъморчилиги миллый давлатчилик ривожининг янги палласида	193
ИСМАТУЛЛАЕВ Ф. О., БОБОҚУЛОВ А. Парламент соҳасидаги ҳалқаро ҳамкорлик	195

ЎЗБЕКИСТОН ХУКУМАТИНИНГ ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШ НОГИРОНЛАРИГА ИНСОННАРВАРЛИК ЁРДАМИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

Сайдова Г. Ш – ТДПУ стажёр-тадқиқотчи-изланувчи

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонда ижтимоий муаммолар янада кескинлашди. Тоталитар мустамлака тузуми сиёсати келтириб чиқарган қийинчилклар ўзбек ҳалқи сабр токати ва матонатини яна бир бор синовдан ўтказди. Ота-боболаримиз нафакат фронгта кетган ватандошлигини, балки уруш ҳаракатлари давом этгаётган худудлардан Ўзбекистонга кўчириб келтирилган аҳолини иссиқ кийим, озиқ-овқат, уй-жой, кийим-кечак ва бошқа барча зарур буюмлар билан таъминлашини ўзларининг муқаддас бурчи деб билғанлар. Уруш аҳоли ўртасида ижтимоий ҳимояга муҳтожлар сонини ниҳоятда кўпайишига олиб келди. Жангохлардан минглаб аскарлар ногирон бўлиб кайтишди. Бундан ташқари ҳаддан зиёд оғир меҳнат шароитлари, кархоналарда, далаларда, меҳнат ҳафвасизлик коидаларга амал қилмаслик натижасида тинч аҳоли ўртасида ҳам ногиронлар кўпайди.

Урушнинг ilk кунларидан ногиронларга ҳар томонлама ёрдам бериш ўзбек ҳалқининг асосий ишларидан бирига айланди. Республикада 1942 йил 6 майда “Уруш ногиронларини ишга жойлаштириш” ҳақида маҳсус карорнинг чиқарилиши, бу соҳадаги фаолиятни янада жадаллашишига олиб келди¹. Энг муҳими даволаниш жойларида чиққан заҳоти, ногиронларнинг иш жойлари аниқ, қаътий белгилаб кўйиладиган бўлди. Шуниси эътиборлики, иш билан таъминлаш мақсадида жойларда кечки ўқиши курслари очилди. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Кўқон ва Андикон вилоятларida уруш ногиронлари ишга жойлаштирилгунга қадар яшашлари учун ётоқхоналар ташкил этилди². Ётоқхоналарда яшаш ва овқатланиш белуп бўлган. Уруш ногиронларини ўқитиш даволаниш жойларида ҳам олиб борилди. Бу эса ўз самарасини берди. Мазкур жараён шифокорларнинг кузатуви остида амалга оширилди.

Ногиронларнинг жуда кўпчилиги ўқув курсларни мувафакиятли тамомлаб, бу ҳақда тегишли хужжатларга эга бўлганлар. Шунингдек, 1942 йилда ўқишиларга жалб қилинган ногиронлардан 4167 киши маҳсус тузилган хайъат текширувидан ўтиб мутахасислик бўйича дипломларга эга бўлдилар³. 1943 йилга келиб Ўзбекистонда ўқув курсларида 8 мингдан ортиқ киши ўқитилди ва соҳалари бўйича ишларга жойлаштирилди. Ишлаш кобилиятини бутунлай йўқогган ногиронларнинг яшашлари учун ногиронлар уйи ва интернатлар ташкил этилди. Шу йиллари республикада 1100 ўринли 11 та интернат ва 1800 кишилик 19 та ногиронлар уйлари фаолият олиб борган⁴.

¹ Узбекская ССР в годы великой отечественной войны. Том I. –Т., Фан, 1981. – С. 303.

² Узбекская ССР в годы великой отечественной войны. Том I. –Т., Фан, 1981. – С. 303.

³ “Правда Востока”, 1942 г., 18 июля.

⁴ Узбекская ССР в годы великой отечественной войны. Том II. –Т., Фан, 1983. – С. 204.

Уруш ногиронларига ёрдам бериш учун турли ҳайрия жамғармалари ташкил этилди. Шу билан баргалиқда моддий күллаб-куватлаш мақсадида нафакалар жорий килинди. Масалан, 1943 йилнинг ўзидаёқ уруш ногиронларига республикада 68 млн. руб нафақа ва ёрдам пуллари тўланган¹.

Ўзбек халқининг мустақилликка эришишида 1941-1945 йилларда фашизмга қарши курашган ва ғалаба қозонган ота-боболаримизнинг хизматлари бекиёсdir, чунки бу ғалабасиз 1991 йил 31 августда эълон килинган Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини тасаввур килиш кийин. Шуни эътиборга олган Ўзбекистоннинг ҳозирги раҳбарияти иккинчи жаҳон уруши йилларида фронтда жанг қилган ва фронт орқасида меҳнат килган фаҳрийларимизни ҳар томонлама кўллаб қувватлаш билан боғлиф ижтимоий химоя тизими яратилган. Ҳозирги кунда иккинчи жаҳон уруши йилларида фашизмга қарши курашган 108281 уруш катнашчилари хисобга олинган. Улардан 60452 киши уруш ногиронлари бўлиб, 12347 киши 1 гурӯх, 46084 киши II гурӯх ва 2021 – III гурӯх ногиронларидир².

Хукуматимиз қарори билан Мустақиллик йилларида фашизмга қарши курашган 1621 кишига уй-жой ва 1486 кишига эса қўшимча томорқалар ажратилди.ер участкалари ажратилди. 4706 уруш ногиронларининг хонадолонлари таъмирланди ва 7172 тасининг уйларига телефон алоқаси белуп ўрнатиб берилди. Ҳаракат воситаларига муҳтож бўлган 785 уруш ногиронига суюнма аравача, 59118 нафар уруш ногирони эса протез-ортопедик воситалар билан таъминландилар³.

Давлат пенсия қонунчилигида уруш катнашчилари ва ногиронларига алоҳида имтиёзлар белгиланиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сонли қарори билан уруш ногиронларига тенгглаштирилган шахслар доираси кенгайтирилди ва уларнинг нафакаларига қонунда белгилangan қўшимча имтиёзлар тайинланадиган бўлди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоиз-ки, бизнинг ватандошларимиз нафақат фронтда, балки фронт ортидаги кўрсаттган жасоратлари, инсонийлик ёрдамлари, ғамхўрликларини сўз билан таърифлаб, қалам билан ёзиш жуда мушкул, зеро у даврнинг кийинчиларига мардоновор турган ҳолда енгигб ўтганликларини айтмасдан иложимиз йўқ.

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ АРАБЛАРИНИНГ ХЎЖАЛИК ҲАЁТИГА ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ ВА ИННОВАЦИЯЛАРНИ ТАЪСИР

Искандаров Ш – ТДПУ стажёр-тадқикотчи-изланувчи

Инсоният пайдо бўлгандан бери узоқ тарихий давр мобайнода турли табиий-географик жиҳатлар таъсирида ҳар бир халқининг ўзига хос локал хусусиятлари кўпроқ сакланиб келганлиги билан ажralиб туради.

¹ Ўша жойда.

² Фашизм устудан қозонилган ғалабага Ўзбекистоннинг қўшган хиссаси. 1941-1945 . -Т.: “Фан”, 1996. – Б. 184.

³ Ўша жойда.

Ўзбекистонда яшаётган арабларнинг ҳозирги кундаги турмуш-тарзи ва ҳўжалиги ҳакида муайян тасаввурлар хосил қилиш ва бу соҳада рўй берадиган ўзгаришлар муйайн бир даврини ўзи ичига олади. Чунки Ўзбекистонда истиқомат қилиб келаётган арабларнинг ҳўжалик фаолиятида XX асрнинг ўрталаридан туб ўзгаришлар даври бўлди, деб таъкидлаш ўринлидир.

Илмий тадқиқотимиз натижасида Ўзбекистонда яшовчи арабларнинг турмуш-тарзида ўзига хос ўзгаришлар ҳамда технологияларнинг кириб келиши натижасида юз берди. Қадимдан давом этиб келаётган чорвачилик ҳўжалиги арабларнинг турмуш-тарзида ўзига хос мухим бир жиҳатдир. XX асрнинг ўрталаридан бошлаб, арабларнинг ҳўжалик фаолиятида янги инновацион технологияларнинг кириб келиши дехқончилик билан шуғулланиш жараёнини тезлаштириди. Жумладан, Миришкор тумани Жейнов қишлоғида сугориш тармоқларига ариқ, каналларнинг қазилиш туфайли турмуш-тарзида туб ўзгаришлар содир бўлди. Айни шу кунларда дала бошқарувини кўлга олган фермерлик фаолияти кенг ёйилган.

Тұпланған материаллар, ахборотчиликтеримиз томонидан айтгиб утилишича, янги технологиянинг кириб келиши натижасида, ҳосилдорлик бир неча баробарга ўстган. Ўзбекистон арабларининг турмуш-тарзида ўзгаришлар жараёни, янги технологияларнинг кириб келиши, аҳоли меҳнат фаолиятини енгиллаштириди. Ўзбекистон худуддига уч оёкли ХТЗ тракторларнинг кириб келиши 1940 йиллардан бошлади¹. Тракторларнинг кириб келиши ҳосилдорликни оширган².

Собиқ советлар даврида эса бутун Ўзбекистоннинг пахта хом ашёси базасига айлантирилиши натижасида кўплаб янги жойлар ўзлаштирилиб, пахтазорларга айлантирилиши, пахтани етиштирувчи ва йигиб олувчи “меҳнаткашлар” га бўлган эҳтиёж республикадаги бошқа маҳаллий халқлар қатори арабларнинг ҳам ҳўжалик машғуллари ва турмуш тарзининг ўзгаришига олиб келган. Жумладан, янги ўзлаштирилган ерларга кўчирилган аҳоли орасида араблар ҳам кўпчиликни ташкил этиб, бу ҳолат уларнинг ҳўжалик ҳаётига, хусусан, касб-корига таъсир кўрсатган³. Ишлаб чиқаришда кўл меҳнатининг улуши билан бир қаторда саноат тармоғида асосий ишлар 40-70% ни ташкил қилди⁴.

XX асрда Ўзбекистон арабларининг ўзига хос локал хусусият бу устачилик ва уйлар курилиши, тегирмон ва жувоз курилишлар кенгрөк тарқала бошлади. Меҳнат қуроллар омоч, ўроқ, болта, каби анжомлар билан бир қаторда янги технологияларнинг кириб келиш натижасида ерларнинг ўзлаштиришга кенгрөк эътибор қаратилиди⁵. Ўзбекистон худудида истиқомат

¹ Дала ёзуалари Кашқадарё вилояти Миришкор тумани Жейнов қишлоғи Патоқиев Ниёзмуҳаммад 05.07.2011. йил.

² Дала ёзувлари Сурхандарё вилояти Денов тумани Богдод маҳалласи Туралов Даърон 18. 08. 2011 // Кашқадарё вилояти Косон тумани Бобазарипов Зокир 22. 07. 2011. йил.

³ Сандов М. Рашидов П. Жейнов тарихи. – Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриети, 1996. 193-206-бетлар

⁴ Ўз. Рес. ПДА фонд-58 рўйзат-22 йигма жилид 918 варак-29

⁵ Дала ёзуалари Кашқадарё вилояти Косон тумани (Пўлати қишлоғи) дан Зикрилла Охун. 22. 07. 2011. йил.

килиб келаётган арабларнинг турмуш-тарзида анъанавийликдан воз кечилиб замонавийликка ўта бошлади. Қашқадарё шароитида араблар сугорма дәхқончилик, лалимкорлик об-ҳавога қараб дәхқончилик қиласи. Ҳўжалик дәхқончилик, чорвачилик маҳсидузлик, чопончилик, этикдўзлик каби халқ хунармандчилиги билан шуғланиб келишган.

Навоий вилоятидаги араблар истиқомат қиласиган қишлоқларни ҳам табиий-географик ҳусусияти ва аҳоли машгулотларги қараб асосан уч гурухга бўлиш мумкин¹. Мустақиллик йилларидаги арабларнинг турмуш-тарзи ва ҳўжалигига моддий аҳволи иқтисодий жиҳатдан тобора яхшиланниб бормокда.

Шундай килиб, минтақа аҳолисининг анъанавий, урф-одатлари, турмуш-тарзида трансформацион ва инновацион технологияларнинг кириб келиш билан ижтимиой, иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаётида ўзгаришларга олиб келди.

XVI АСРДА ХИВА ХОНЛИГИ СИЁСИЙ-ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИ

Холметова Р. Б – ЎзМУ стажер-тадқиқотчи-изланувчи

Хоразм воҳаси Мовароуннаҳр ўлкаларидан сувсиз чўллар билан ажralиб турар эди. Шу сабабли қадимданоқ вужудга келган савдо йўллари унинг манфаатларини Волгабўйи ҳамда Каспийорти мамлакатларига каратган. Хоразм теварагида кўчманчилик билан ҳаёт кечирган кўп сонли туркман қабилалари катта ҳарбий куч бўлиб, ундан ҳар вақт кўшиниларга қарши курашда фойдаланиш мумкин бўлган. Ана шу шароитлар Хоразмнинг эрта ажralиб, унда мустақил ҳонлик ташкил топишига олиб келди.

Хоразм XVI аср бошларида дастлаб Шайбонийхон, кейин Шоҳ Исмоил томонидан босиб олинди. Эрон хукмдори Хоразмнинг Хива ва Ҳазорасп, Урганч, Вазир шаҳарларига учта ноиб жўнатди. Ҳалқ шиа мазхабидаги қизилбошлардан кутулиш мақсадида “жиход” эълон қилиб, Вазир қозиси Умар бошчилигига машҳур хонадон вакили Сайд Ота авлодидан бўлган Сайдид Ҳисомиддин қаттол тавсияси билан Дашиби Қилиқодан Шайбон Берка сulton ўғиллари Элбарс ва Билбарс сultonлар Вазир таҳтига таклиф қилинади².

Бухоро шайбонийлари Берка сulton хонадони билан гарчанд бир шажарадан бўлса-да, улар ўзаро душманлик муносабатида эдилар. Шайбонийхон бобоси Абулхайрхоннинг давлатини тикилаш учун курашётганда мустақилликка интилган Берка сultonни ўлдирганлиги бунинг сабабларидан бири эди. Шу боис даштдаги ўз кароргоҳларида яшаб қолган Берка сulton ўғиллари ва қариндошлари Шайбонийхон юришларида иштирок этмаганлар.

1511 йилда Вазир шаҳри³ Эрон қизилбош кўшиниларидан озод этилиб, ҳокимият тепасига Элбарсхон (1511-1516) келди. Хива шайбонийларининг

¹. Ражабов. Р. Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси Т.: Шарқ 2012. Б. 276.

² Абулгозихон Шажаран турк. –Т.: Чўлпон, 1992. – Б.121.

³ Устоортган, Қўхна Урганчдан 60 чакирим узоқликда жойлашган, XV аср ўрталарида ўзбек хонларидан Мустафоҳон курдирган.